



Мусулмон Туркистон халklarининг тарихи Ислом олами тарихининг узвий бир кисмидир. Бошкacha айтганда, умумжахон тарихининг шаклланишида аждодларимизнинг, муносиб ўринлари бор. Сиз бутун дунёда жиддий ўрганиладиган «Салиб юришлари» деб аталадиган машхур тарихий урушларда салибчиларга карши Турон кўшинлари фаол катнашганини эшитганмисиз? Афсус.

XI аср ўрталарида вужудга келган газнавийлар, ўгузлар, коракхонийлар ва хоразмийларнинг кудратли давлатлари Ислом халифалигидан ок фотиха олиб иш юритар эдилар. Ўгуз турklarининг бекдил уругига мансуб Ануштегин, унинг ўгли Кутбиддин Мухаммад, унинг ўгли Алоиддин Отсизлар салжук султони Санжар давлатига хизмат килишарди. XI—XII асрларда салжуклар давлати Ўрта Осиёдан Ўрта Ер денгизигача, Византия империяси ва Оврупо чегараларигача кенгайди. Салжуклар ва хоразмийлар хужумидан, шиалар, карматлар, хассасинлар исёнларидан заифлашган халифалик турли майда давлатларга бўлиниб кетди. Миср, Шом — Сурия, Антиохия каби давлатлар ҳам ўзаро киргин урушлар килишар, бу урушларда Турон юртидан борган ёлланма жангчилар мамлуклар ҳам асосий ўрин тутар эдилар. Худди мана шу паллаларда сиёсий таркоклик, ўзаро киргинлар туфайли заифлашган мусулмон давлатлари устига Византиё, Англия, Олмоний, Испаний, Фаранса каби шотирларидан иборат салиббардорлар — насроний кўшинлари бостириб келдилар.

Салиббардорлар Исо алайхиссалом кабри жойлашган Куддуси Шарифни «озод этиш» шиори билан жанг килардилар. Холбуки, бу шахар мусулмонларники хисобланиб, мукаддаслиги жихатидан мусулмонлар учун ҳам гоят кадрли эди. Чунки расулиллох Мухаммад алайхиссалом худди шу шахардаги ал-Аксо масжиди айвонидан Оллох таоло хузурига кўтарилган эдилар (машхур Меърож вокеаси).

Салжуклар саркардаси Отсиз 1070 йили Куддуси Шарифни, кейинрок Халаб ва Дамашкни эгаллайди. XI аср охиrhoгиди Мисрдаги фотимийлар халифалиги яна кучли давлатга айланади.

Миср флоти Ўрта Ер денгизининг Сурия-Фаластин сохилларидаги обод шахарларни яна кайтариб олади...

1099 йилининг 7 июнида шотир Болдуин бошчилигидаги 40 минг жангчидан иборат салиббардорлар кўшини Куддуси Шариф остоналарига етиб келди. Шаркшунос олим И. Ю. Крачковский ёзишича, бу вақтда шахар мудофаачилари — мусулмон лашкари минг кишидан ошмасди. Салиббардорларнинг кучи кирк баравар ортиклигига, уларнинг шахар

деворларини вайронага айлантирувчи жуда кўп курилмалари бўлишига карамай, мусулмонлар шаҳарни беш ҳафта мудофаа қилиб туришди. Салиббардорлар Куддуси Шарифга босиб киргач, у ердаги яҳудийларни, мусулмонларни ва уларга қўшиб насроний аҳолини ҳам қириб юборишди. Фаранг шотирлари ўзлари эгаллаган ерларда Куддуси Шариф султонлигини барпо этишди.

Туркия ва Ирок оралигидаги Мосул вилоятининг ноиб Отабек Зангги 1142—44 йилларда Халаб ва Харронни, сўнг Эдесса вилоятини фаранг шотирларидан тортиб олди. Эдесса графлиги фаранг шотирларининг танич марказларидан бири эди. Отабек Занггининг бу галабалари Оврупо давлатларини ларзага келтирди.

1147 йилда фаранг султони Людовик Саккизинчи ва олмон императори Конрад Учинчи етакчилигида II Салиб юриши бошланди.

Отабек Зангги вафотидан сўнг унинг ўғли Нуриддин салибчилар шотирларига янада қашатқич зарбалар бера бошлади. У 1151 йили Эдесса вилоятини ўзил-қесил салиббардорлардан тозалади. Граф Жоселен II ни асир олди. Бу пайт Дамашк амирлари билан иттифок тузиб, мисрлик мусулмон қўшинларига қарши жанг қилаётган эдилар.

1154 йилда улар иттифокчилари кўмагидан умидини ўзиб, Нуриддинга жангсиз таслим бўлишди. 1164 йили эса Нуриддин Антиохия ва Тароблус қўшинларини енгиб, граф Боэмунд III ва граф Раймунд III асир олди.

Турк муаррихи Бахрия Учок ёзишича, Миср султони Малик ал-Комил (Нажмиддин Айюб) ҳам узок йиллар салиббардорларга қарши жанг қилган. Ал-Комил беш ўғлидан энг қаттаси — Малик Солихни тахт вориси ва Миср ноиб қилиб тайинлаб, ўзи салиббардорларга қарши қурашни давом эттирган.

Куддуси Шарифни салиббардорлардан тортиб олиш учун жанглар ниятда қўзилиб кетгач, Миср султони ал-Комил 1229 йилда фарансузлар императори Фридрих II билан сулҳ тузди. Шартномага мувофиқ Куддуси Шариф 10 йил муддатга салиббардорлар ихтиёрига берилади. Ал-Комил шундан сўнг Кохирага қайтди.

Шу вақтларда Миср давлатига қарам Сурия, Фаластин, Луб-нон (Ливан) ва Иордани вилоятларида ал-Комилнинг ўғиллари ноиблик қилишарди.

1232 йилда мўғуллар Мисрнинг Кичик Осиёдаги вилоятлари чегараларига қелиб қолишди. Ал-Комил бундай вазиятда ўғли Малик Солихни Суриядаги қўшинларга бош қўмондон қилиб тайинлашни лозим топди. Вазият кескинлашган, Сурияга бир тарафдан салибчилар, иккинчи тарафдан мўғулларга қарши урушаётган хоразмийлар ҳавф солиб туришар эди. Малик Солих донолик билан иш тутиб, хоразмликлар билан сулҳ тузди ва шартномага мувофиқ Шарқдан қелаётган мўғулларга ва Шимолдан қелаётган салиббардорларга қарши қурашни биргаликда давом эттиришди. Малик Солих 1238 йили отасининг рухсати билан хоразмийларнинг ўрдуларини Миср қўшинига қабул қилди. Араблар ва хоразмликлар биргалашиб, Санжар ва Нусайбин шаҳарларини мўғуллардан тортиб олишди ҳамда Ракка шаҳрини қамал қилишди (Зиё Бунёд: «Хоразмшоҳлар тарихи»). Аммо шу пайт унинг отаси Малик ал-Комил вафот этгани ҳақида ноҳуш хабар қелди. Малик Солихнинг ўғай ўқаси Малик Одил Миср пойтахтини эгаллади. Малик Солих шаҳар қамалини ташлаб, қўшинларини Кохирага бошлади. Ракка шаҳридаги мўл-қўл ўлжаларга қўз тикиб турган хоразмийлар бу қарорга норозилик билдиришди. Малик Солихни асир олишга уринишди. Бундан огоҳ бўлган Малик Солих қочишга муваффақ бўлди. Малик Солихнинг ахволи оғирлашганидан хабар топган Салжук султони ҳам уни асир олиб, давлатини эгаллашга аҳд қилди. Шу ниятда унинг қўшинлари Диёрбакирни қамал этди. Аммо Сурия ва Бобил амирлари эпчиллик билан Малик

Солихнинг шахарларини ўзаро бўлиб олишди. Мосул ноиб Лўлу ҳам ўзига кулай фурсатдан фойдаланиб, Малик Солих турган Санжар шахрини камал кила бошлади. Малик Солих ўзига садокатли бир аёл ёрдамида Лўлу кўшинларини тор-мор келтирди, сўнг Диёрбакирни ўраб олган салжук султонига какшаткич зарба берди. Сўнг Бобилни эгаллади. Бахрия Учок бу аёлнинг кимлигини айтмаган. Бизнингча, бу ишларда Малик Солихдан. сира айрилмайдиган малика Шажарнинг кўли бўлса керак.

1238—1240 йиллари Олтин Ўрда хонларига. бож-хирож тўлаб турган Новгород князи Александр Невский ҳам немис ва швед салиббардорларига карши жангларда кетма-кет галаба козонаётган эди Худди шу даврда Куддуси Шарифни 10 йилга ижарага олган Фридрих II билан Ал-Комил тузган шартнома муддати охирлаган, лекин салиббардорлар Куддуси Шарифни ташлаб кетишни хаёлга ҳам келтирмаётган эдилар.

Малик Солихнинг ўғай укаси, Карок шахрининг ҳокими Носир Довуд шартномага амал килмаётган Куддуси Шарифни камал килиб, салиббардорларни тор-мор келтирди. Шу йили (1239) Сурияни қайта эгаллаб, Мисрга караб бораётган Малик Солих амакиси Исмоилнинг соткинлиги туфайли ўғай укаси, энди Куддус амири Носир Довудга асир тушиб қолди. Лекин иккаласи ҳам Миср султони Малик Одилдан норозилиги туфайли ўзаро битим тузишди. Куддусда 1240 йилнинг апрелида тузилган бу шартномага кўра, Малик Солих Сурияни ҳамда бошқа шаркий вилоятларни Носир Довудга қолдириб, ўзи Мисрга ҳукмронлик қиладиган бўлди. Назаримизда, бу иттифокда Солихнинг севикли хотини Шажарат-ад-Дур фаол таъсир кўрсатган.

Мазкур хабарни эшитган Миср султони Малик Одил ўз акалари Малик Солих ва Носир Довудга карши жангга отлана бошлади. Лекин Малик Солихни ҳурмат қиладиган мамлуклари (булар орасида Мовароуннахрлик амирлар ҳам бор эди) Малик Одилни тахтдан ағдариб, Кохира калъасига қамаб қўйишди.

Малик Солих 1240 йили 6 июн куни Миср тахтини эгаллади ва укаси кўлдан берган вилоятларни аста-секин қайтариб ола бошлади. Жумладан, Йаманга юборилган кўшинлар йўлда Маккаи Мукаррамани эгалладилар. Бахрия Учок ёзишча, нисбий тинчлик даврида Малик Солих ва Шажарат-ад-Дур қурилиш, ободончилик ишлари билан шугулланишган. Шу даврда Макка шаҳри (Каъбатиллох) ҳам булар тасарруфида эди. Чамаси, Хоразм кўшинларининг куткуси билан бўлса керак, Малик Солих Куддуси Шариф шартномасини бузиб, укаси Носир Довуд кўлидаги шаркий вилоятларга карши кўшин тортиб борди. 1244 йилда у Куддуси Шарифга бостириб кирди, кўп ўтмай бутун Сурия унинг тасарруфига ўтди. «Мана шу зафарларнинг ҳаммасига, — деб ёзади бахрия Учок, — мўғуллардан чекиниб келиб Малик Солих кўшинига хизматга кирган хоразмий туркларининг сипохлари туфайли эришилди» (39-бет).

1248 йили Малик Солих кўшинлари Шом пойтахти Халабни забт этишучун чоғланиб турган вақтида Фаранса кироли Людовик IX бошчилигида салиббардорлар Мисрнинг шимолий соҳилидаги Дамиётта шаҳрига бостириб киришди — Учинчи Салиб уруши бошланди. Бу вақтда Малик Солих оғир касал бўлиб, мураккаб давлат ишларини малика Шажарат-ад-Дурга ишониб топширган эди.

Тарихда Исмаат-ад-Дунё ва-д-дин ал-муслимин Уммул-Шажарат-ад-Дур номи билан машҳур бўлган бу аёл эрининг вафотидан сўнг Мисрдаги мамлуклар султонлигининг ҳукмдори сифатида салибчиларга карши жангларни муваффақиятли давом эттирди. Аввал айтганимиздай, Миср мамлуклари орасида салжуклар ва хоразмийлар, Мовароуннахр турк жангчилари бор эдилар. Улар Миср давлатининг қудратини оширишга, салиббардорлардан жуда кўп калъаларни озод қилишда бекиёс куч-гайрат

сарфладилар. Миср отабеги ва бош кўмондон Иззид-уд-дин Ойбек Туркманий ҳам мамлукларнинг энг шавкатли етакчиларидан эди.

Олима Бахрия Учок маълумотига кўра, малика Шажарнинг келиб чиқиши ҳам араблардан эмасди. У Абдуллох деган туркнинг кизи бўлиб, чамаси, киргин жангларида отаси ўлгач, чўри сифатида бадавлат хонадонларга сотилган. Ўрта аср одатларига кўра, энг гўзал чўрилар султонларга, амирларга ва хатто халифага совга килинган. Малика Шажар кудратли давлат рахбари — малика-ал-муслиман даражасига етганида ҳам халифага чўрилик пайтларини унутмасдан, олтин, кумуш тангаларга ўзининг исми ёнига «ал-Мустасимия», деган сўзни кўшиб зарб эттиргани. Эхтимол, бу ишнинг маъноси бошқачадир. Яъни, бу билан малика Шажар ўз давлатининг хомийси халифа ал-Мустасим эканлигини ифодаламоқчи бўлгандир. Хар холда, Бахрия Учок ўз китобида Малик Солих мазкур канизакниинг гўзаллигидан хайратланиб, сотиб олгани ва уни севиб колгани хакида далиллар бор... «Кўп ўтмай, у (Малик Солих) чўрисининг порлок гўзаллиги нозик акл-фаросатига монанд эканини сезди,— деб ёзади Бахрия Учок.— Ораларида фарзанд тугилгач, Малик Солих унга расман уйланди ва маликага айлантирди. Фарзандларига Халил деб исм кўйишди. Малик Солих малика Шажардан сира ажралмас, унинг хусн-жамоли ва ширин суҳбатига сира тўймас эди». Малика урушларида ҳам доимо эридан айрилмасди. Малик Солих Карокда укаси Носир Довудга асир тушганида, малика Шажар камокда ҳам у билан бирга машаккат ва мухтожликларни бахам кўрган эди.

1249 йил 12 ноябрда Малик Солих Мансура шаҳрида вафот этгач, малика Шажар давлатда бебошдоклик бошланмасин, деб бу хабарни бош кўмондон Фахриддин Юнусдан ва Солихия, Бахрия, Халка мамлуклари лашкарининг бошлиги Жамолиддин Мухсиндан бошқа ҳеч кимга билдирмади. Султон жасадини пинхона Мансурадан Кохирага олиб кетишди.

Малик Солих вафоти олдида, фарзандларим ёвлашмасини деган мақсадда бўлса керак, вазир Хусомиддинга: «Мендан кейин давлатим аббосийлар халифаси Мустасим-биллохга колсин», деб фармон бергани эди. Аммо малика Шажар амирлар билан маслаҳатлашиб, Малик Солих номидан унинг ўгли Туроншоҳ тахт вориси, амир Фахриддин Юнус бош кўмондон этиб тайинланганлигини эълон килди. Чамаси, малика бу ишларни амир Хусомиддин маслаҳати билан амалга оширган. Чунки, кўп ўтмай, маликаниннг фармони билан барча амирлар Хусомиддинга содикликка касамёд этишган. Бош кўмондон Фахриддин Юнус камоклардаги махбусларни афв этиб, аввалги соликларни бекор килган. Султонликка хутбада эса Малик Солих билан бирга Туроншоҳ Гиёсиддин номи тилга олина бошланган.

Туроншоҳ Мансура шаҳрини пойтахт килиб, улуг вазири Хусомиддин билан бирга давлат ишларини юрита бошлади. У раҳматли султон Солихнинг Солихия мамлуклари ва малика Шажарат-ад-Дурнинг Бахрия мамлуклари ҳамда ўзининг Хисун-Кайфа мамлукларидан иборат кўшинларга бошчилик килиб, салиббардорларга карши юриш бошлади.

Солихия ва Бахрия мамлукларининг жасорати билан Туроншоҳ катта галабаларга эришди. Мансура остоналаридаги биринчи жангдаёқ 3 минг салибчи асир олинди. Катта талафот кўрган фарансалик шотирлар Мисрнинг барча ерларидан чиқиб кетишга ваъда бериб, сулҳ таклиф этишди. Аммо мамлуклар шартни қабул килмадилар ва салиббардорларнинг 32 кемасини ёндириб юбориб, уларнинг денгиздан чекиниш йўлини тўсиб кўйишди. Фаранса кироли Людовик IX нинг ўзи ҳам асир олинди.

Туроншоҳ манманлик табиатига кўра, отасининг мамлуклари ва Шажарат-ад-Дур

мамлукларининг галабага кўшган хиссаларини тан олмай, ютуқларни фақат ўзиники килиб кўрсатишга киришди. Ўрта Осиёдан ва Курдистондан келган мамлукларни ҳар қадамда ҳўрлай бошлади. Туроншоҳ масталастлик пайтида Солихия ва Баҳрия мамлукларининг пахлавонларини ҳамманинг олдида калтаклаб, сазойи килишга тушди. У ўзининг Хисун-Кайфа мамлуклари билан айш-ишратга, наҳс ишларга берилди. Унга тож-тахтни топширган малика Шажарат-ад-Дурга ҳам кўполлик кила бошлади. Бир куни Туроншоҳ Баҳрия мамлукларини сазойи килаётганида, сабр косаси тўлган малика жангчилари унга ташланиб, ўлдиришга уринишди. Кутилмаган ҳужумдан эсанкираган Туроншоҳ ўзи курдирган ёғоч минорага кириб яширинди. Мамлуклар минорани ўраб, ёндириб юборишди. Тириклай ёнишдан кўрккан султон ўзини минорадан Нил дарёсига ташлади. Аммо Баҳрия мамлуклари уни тутиб оlib, ўлдиришди. Такаббур ва маишатпараст Туроншоҳ Гиёсуддин бор-йўғи 70 кун султонлик килди.

81 йил давом этган Мисрдаги айюбий султонларининг сулоласи Туроншоҳ ўлими билан тугади. Солихия ва Баҳрия мамлуклари давлатни ўз кўлларига олишди ва султон саройидаги маслаҳат кенгаши —машваратида яқдиллик билан малика

Шажарат-ад-Дурни султон килиб кўтаришди. Марҳум Малик Солихнинг содик лашкарбошиси Иззиддин Ойбек улуг вазир ва бош кўмондон этиб тайинланди.

Ислом давлатлари тарихини ёзган атокли адиб ва муаррих Журжи Зайдон, шунингдек, фаранса шаркшуноси Мишел Марсел Малика Шажар илгари ҳам Ойбек билан яширин яқинлиги бор эди, деган фикрни билдиришади. Турк олимаси Баҳрия Учок бу тахминни рад этади. У, шариат конунларини яхши билгани учун, султон амирлари Малика

Шажарнинг табиатида заррача нопокликни сезишганида, унга бунчалик юксак ихлос, эътикод кўймаган бўлардилар, деган мантикий ҳулосага келади. (44- бет). Бизнингча ҳам, бу гап-сўзларни унга ҳасад килган Туроншоҳ кишилари таркатган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, гўзал ва окила малика ширин муомаласи, жозибадорлиги билан барча амирларни мафтун этган ва ҳурматини қозонгани ҳақиқатга яқиндир.

Акс ҳолда, исёнкор ва ўжар мамлуклар маликани қувватламаган бўлур эдилар.

Малика Шажар ҳукмдорлик тахтига ўтиргач, Баҳрия мамлуклари лашкарбошиларининг мавқеи ошганлиги ҳам табиийдир.

Давлат раҳбари бўлган маликанинг биринчи иши Фаранса шотирларини Ўрта Ер Денгизидан Мисрга дарвоза ҳисобланган Дамиётта шахридан катта жарима эвазига ватанларига қайтариб юбориш бўлди. Салиббардорлар уруш вақтида ва 11 ой шаҳарни эгаллаб туришган пайтда етказган зарарлари учун 40 минг диноҳ жарима тўлашди.

Шундан сўнг 1250(648) йил сафар ойида мусулмонлар Фаранса подшоси Людовик IX ни, малика Маргаритани, подшонинг укаси Алфонсни ва 12 100 салиббардорни асирликдан бўшатишди.

Уларнинг кетиши Мисрда бир ҳафтача байрам қилинди. Шоирлар Ватан озодлиги шарафига шеърлар ва қасидалар ёздилар. Дамиёттани озод қилиб қайтган кўшинлар 14 май куни Малика Шажарат-ад-Дурга содикликка қасамёд қилдилар. «Фарангларнинг кетиши, мамлакатда тинчлик ва тартиб ўрнатилиши Миср халқининг доно ва саҳоватли маликасига меҳрини оширди», деб ёзади Баҳрия Учок (46-бет).

Шажарат-ад-Дур ҳар куни вазирларини девонхонага чақиртириб, ўзи ҳарир парда ортидаги тахтда ўтирганича, давлат ишларини керакли одамлар билан маслаҳатлашиб ҳал этарди. «Бир қарорга қелишдан аввал, — деб ёзади Баҳрия Учок, — малика бу тўғрида вазирлар ва амирларнинг фикр-мулоҳазасини эшитиб, сўнг фармон ва йўл-йўриқларга имзо қекар эди. Фуқароларга тегишли масалаларни... Отабек Ойбек

билан муҳокама килишарди».

Доно маликаиинг шон-шухрати кун сайин ошиб боришига ҳасад килган душманлари (булар орасида мамлуклар ўлдирган маишатпараст Туроншоҳнинг. Сурияга кочган тарафдорлари кўп. эди) унга қарши игво, фитналар тўрини тўқий бошладилар. Игвогарлар айрим нопок рухонийларни ишга солиб, халифа Мустасимга маликани ёмонлай бошладилар. Шажарат-ад-Дур халифа номини доимо хутбаларда улуглаб, ҳурматини жойига қўйса ҳам, барибир игвогарлар орани бузишди. Ҳасадгўйлар: «Миср тахтининг қонуний қорислари айюбий шахзодалар хали тирик бўлса ҳам, нега султонликни аёл киши бошқаради?» деган мазмунда Бағдодга хат кетидан хат йўллай бошладилар. Шикоятномалар ниятда қўпайиб кетгач, халифа Мустасим: «Давлат ишларини аёл кишига топшириб қўйган қабилага нажот йўли ёпилур», деган ҳадисни қидириб топди ва: «Агар ўзингиз султонликка муносиб бир одамни топмасангизлар, биз топиб берурмиз», деган мазмунда жавоб юборди. Бизнингча, халифа Мустасимнинг ё малика Шажарга шахсий иддаоси бўлган ёки бундай жавобни айюбий шахзодалар ўзлари ташкил этишган.

Мисрга тобеъ бўлган Халабдаги айюбийлар вакили Доифа хотуннинг невараси Носир Юсуфга Дамашк амирлари дарвозани очиб, султонлик хазинасини топширишди. Носир Юсуф хазинани амирларга бўлиб берди, деган гап тарқади. Кейинроқ айюбий шахзода Носир Юсуф Дамашкни ва бутун Сурияни эгаллаб, Солихия амирларини ва уларнинг мамлукларини тутиб ўлдирди бошлагани, Шажарат-ад-Дурга тобеликда бўлган Карок, Шубок, Сабиба қалъалари бошликлари исён қўтаргани ҳақида хабарлар қучайди. Бундан Миср аҳолиси қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Хавфни бартараф этиш учун малика Шажар барча вазирлари ва амирларини йигиб, фавқуллодда машварат ўтказди. Бағдод халифасининг қорозилигига баҳона қолдирмаслик учун малика султонлик тахтини бош вазир Ойбекка топширди. Энди тахтга эркак киши ўтирди. Амирлар маслаҳатлашиб, маликани ҳам давлатдан узоқлаштирмаслик учун, беваликдан қечиш, султон Ойбекка турмушга чиқишни таклиф этишди.

Туркман жангчиси Ойбек султон Малик Солих ва Шажарат-ад-Дур тўплаган Бахрия мамлукларининг йўлбошчиларидан эди. У Малик Солих даврида жасоратлар қўрсатгани учун қатта мартабаларга эришди. Энди эса, фалакнинг қардиши билан, устози Солихнинг тахтига ўтирди, маликага уйланди. Малик Солих амир Ойбекка ортиқ ишонганидан, султон матбаҳига — ошхонасига ҳам мутасадди қилиб қўйган ва чашнигир-деган унвон берган эди. Шунинг учун, чамаси, халифа таклифи билан бўлса керак, Ойбекка Ал-Малик ал-Муизз (Иззатли) ал-Чашнигир-ат-Туркмоний, деган унвон берилди. Ойбек малика Шажарни аввалдан ҳурматлагани (эхтимол севгани) учун, султонлик тахтига ўтирганида ҳам бу оқил паривашнинг ҳар бир маслаҳатини жон қулоғи билан тинглар эди.

Султон Туркман Ойбек маликага уйлангач, Бахрия ва Солихия мамлукларини бирлаштиришни мақсад қилди. Аммо, Бахрия Учок айтганидек, бу мақсадига етолмади. Бизнингча, Бахрия мамлуклари ўзларининг гўзал маликаларини Ойбекдан раҳм қилиб, тўнларини тесқари қийиб олишган. Аксинча, Солихия ва Бахрия мамлукларининг гуруҳлари ўртасида адоват, низолар бошланди. Бизнингча, марҳум Туроншоҳ тарафдорлари қасддан бу икки гуруҳ мамлуклар ўртасига адоват уруғларини сепа бошлаган.

Малика Шажар ва Султон Ойбек галаёнларга чек қўйиш мақсадида йаманлик шахзода 8 ёшли Малик Ашрафни ҳукмдор деб эълон этишди. Миср тарихида жуда кам учраган

ходиса — икки султонлик даври бошланди. Агар малика Шажарнинг асосий мавкеъ тутишини эсласак, давлатга энди ўч султон рахбарлик килганини эътироф этишимиз керак. Туркман лашкарбошининг Миср давлати тахтида ўтириши ҳам тарихда ноёб ходисадир.

Тарихий манбаларда (Ал-Макриза, Ас-Сулук, 1-жилд; Ибн Халдун, Тарих, V жилд; Журжи Зайдон. Тарихи Миср. Ал-Хадис. II ким) айтилишича, бу даврда Миср тангалари шахзода Малик Ашраф ва Ойбек туркман номига зарб этилган. Асосий давлат ишларини Ойбек хал эта бошлаган.

Сурия ноиб шахзода Носир Юсуф Миср тахтини эгаллаш мақсадида Акка шаҳрида турган кироли Людовик IX билан шартнома тузиб, Кохирага қўшин тортиб келган. Султон Ойбек ва СолИХИЯ мамлукарининг етакчиси Форис Уктой бошчилигидаги қўшинлар Кохирадан чиқиб, душманни қарши олган. Хар иккала тамон галма-галдан қолиб келган оғир жанглардан сўнг-Миср қўшинлари Сурия қўшинларини енгган. Бу орада Кохирада галаён қўтарилиб, жанг оқибатини тушунмаган фуқаро Носир Юсуфни енгди деб ўйлаб, уни тантанали қўтиб олишга тайёрланишган. Бундан хабар топан Ойбек айбдорларни излаб, киргин уюштирган. Кексалар ва болаларни ҳам аямаган. Форис Уктой асосий галабани қўлга киритгани учун Солихия мамлуқлари уни, султонликка шерик бўлсин, деб талаб қила бошладилар. Бундан жахли чиққан Ойбек амирлари Форис Уктойни қўтиб, ўлдиришди. Унинг қўл остидаги Солихия мамлуқлари ҳам зиндонларга ташланди. Бу адолатсизликларни малика Шажар қувватламаган, албатта. Тарихчилар одатда оилавий низоларни ёзишмайди, аммо тасаввур қилса бўладики, Шажарат-ад-Дур билан Иззиддин Ойбек ўртасида аввалгичалик дўстона муносабат қолмаган. Бахрия Учок ёзишича, малика Шажарнинг давлат ишларида фаол аралашувини Ойбек ёқтирмай қолган. Бунинг устига, Ойбек мунажжимга қол очирганида, сен аёл қиши қўлида ўлим топасан, деб башорат қилган экан. Шундан сўнг Ойбек Туркман йўлини топиб Шажарат-ад-Дурни ўлдириш пайига тушган. Аммо нозик фаросатли малика султоннинг бу ниятини олдиндан сезиб, нима қилсам экан, деб изтироб чека бошлаган.

Султон Ойбек мағрур маликадан қутулиш ниятида Мосул ҳокими Бадриддин Лулунинг қизига совчи юборган. Бу ҳам етмагандай, аввало, малика Шажарни хўрлаш учун, иккинчидан, уни харбий таянчидан айириш учун, учинчидан, ўз қуч-қудратини намоёни қилиш учун Бахрия мамлуқларини қўтиб, зиндонга ташлаган.

Хукмронлик гурури ва аёллик шаъни поймол этилган Шажарат-ад-Дур султон Ойбекдан ўч олиш пайига тушади. Шу ниятда малика Халабга қопар юбориб, Носир Юсуф билан тил бириктирмоқчи бўлади. Аммо Носир Юсуф маликани айёрлик қиляпти деб ўйлаб, бу таклифга қўнмаган. Ойбекнинг Мосулдаги қайнотаси Бадриддин Лулу бу ишдан айғокчилари ёрдамида хабар топиб, қўёвини оғохлантирган.

Малика 1257 йилнинг роббиал-ало ойининг 24-қуни Боб-ал-Лавҳдаги янги қароргоҳида яшаётган султон Ойбекни Қалъаи Жиболга — ўз саройига меҳмонга таклиф этади. Султон қавгон ўйинида терлаганидан ювиниш учун ҳаммомга кирганида, малика одамлари унга ташланиб, бўғиб ўлдиришади.

Аммо шундан сўнг малика Шажар жуда ноқулай вазиятда қолди. Амирлар султонлик тахтини қимга бериш масаласида икки гуруҳга бўлинишди. Охири Ойбекнинг ўғли Нуриддин Али «Малик Мансур» номи билан тахтга ўтиради. Малик Мансур узок ҳукм сурмади. Кейинроқ Миср тахтига ҳоразмшоҳлар сулоласидан Сайфиддин Қутуз ўтирди (3. Бунёд. «Хоразмшоҳлар тарихи»).

Мархум Ойбекнинг мамлуклари котиллардан ўч олиш бахонасида Калъаи Жиболга бостириб кирдилар. Солихия мамлуклари малика Шажарни химоя қилишди. Жиноятга аралашган одамларнинг кўпи дорга осилди. Аммо Ойбек мамлуклари маликани катл этишга журъат этишмади. Шундан сўнг Ойбекнинг бошка хотини (Нуриддин Алининг онаси) чўриларига буюриб, малика Шажар чўмилаётганда уни калтаклатиб ўлдиртирди. Чалажон маликани минорадан калъа ташкарасидаги хандакка ташлаб юборишди... Бахрия Учок атокли муаррих Ан-Нувайрийнинг «Нихоят-ул-араб» асарига суяниб бундай ёзади: «Султонлик тахтида ўтирган, гўзаллиги, оқиллиги, мулойимлиги, ўткир зехни билан барчани мафтун этган, юлдуздай чакнаган мусулмонлар маликасининг жасади бир неча кунгача калъа хандагида ётиши тақдир қинояси эмасми?» (Ан-Нувайрий, «Нихоят-ул-араб», 27-жилд, 266- бет).

Бахрия Учок ёзишча, маликанинг. хасадгўй душманлари уни Багдод халифасига ёмонлаб кўрсатмаганида, Суриядаги шахзодалар исён кўтармаганида, Шажарат-ад-Дур Мисрда узок йиллар фаровонлик билан давр суриши мумкин эди. Миср ва Суриядан салиббардорларнинг қувиб чиқарилишида туркман Ойбек ва туркий халқ вақиласи — малика Шажарнинг катта хиссаси бор. Махмуд Бадавийнинг «Шажарат-ад-Дур» сахна асари, мумтоз адиб ва муаррих Журжи Зайдоннинг шу номдаги тарихий рўмони ана шу ёрқин шахс тарихига бағишланган.

Хоразм, Шош, Ирок ва Миср тарихидаги муҳим воқеаларнинг илдизлари анча терандир. Хали мўгул истилочилари Моварауннахрга босиб қелишдан муқаддам 1218 йилда Миср ва Шом ҳокими Малик-ул-Одил вафот этгач, унинг ўч ўғли ота мулкани бўлиб олишган эдилар. Мисрда — Малик-ул-Комил; Дамашк, Қуддус ва Табаристонда — Малик-ул-Муаззам; Жазира, Хилот ва Майофарикинда — Малик-ул-Ашраф ҳукмронлиги ўрнатилди. Ал-Комил ва Ал-Ашраф акалари Ал-Муаззамга қарши иттифок тузиб туришган пайтларида хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди қўшинлари Малик ул-Ашраф ҳудудларига қириб қелди ва Хилотни қамал қилди.

Зиё Бунёд Мусо ўғли ёзишча, Малик-ул-Муаззам биродарлари Ашраф ва Комилга қарши султон Жалолиддин билан иттифок тузиш ниятида унинг ҳузурига Садри аъзам ал-Бакрий раҳбарли сўфий уламоларини юборган. Кизиги шундаки, бу хабарга кўра мўгулларнинг Хоразмга истилоси бошланган пайтлардаёқ (1220) султон Жалолиддин катта қўшин билан Багдод халифалигига ҚарШИ жанг қилаётган бўлиб қикади. Кейинроқ, яъни, 1225 йилда султон Жалолиддин Озарбойжонни фатҳ этганида ҳам Малик ул Муаззам яна Хоразмшоҳ ҳузурига элчиларини юборган.

Ўша йилнинг бошида Жалолиддин мўгуллар босқинига қарши Ислом қучларини бирлаштириш ниятида Багдод халифаси ҳузурига ҳарбий девони бошлиги Зиё ул-Мулк раҳбарлигида элчиларини юборган. Аммо, афсуски халифа ан-Носир султон Жалолиддин отаси Алоуддин Муҳаммаднинг авваллари Багдод халифалигига қарши қурашганлигини эслаб, иттифок тузишни хоҳламаган.

Аксинча, у Хоразм қўшинларига қарши Қуш Темур етакчилигида 20 мингли катта қўшин юборган.

Ислом давлатлари раҳбарларининг бу ноахиллиги оқибатида Хоразм ҳам, Багдод халифалиги ҳам мўгул қофирлари тарафидан тор-мор қелтирилди ва узок асрлар мусулмон халқлари асоратда яшашга мажбур бўлдилар.

Маҳкам Маҳмуд